



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

ЭКОТУРИСТИК МАРШРУТЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Шамуратова Нигора Тахировна

г.ф.н., доцент

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

e-mail: nigora_shamuratova@mail.ru

Салиева Нодира Шомирза қизи

магистрант

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

e-mail: nodira.salieva.94@mail.ru

Аннотация: Мақолада экотуристтик маршрутлар ҳақида сўз юритилган бўлиб, унинг мақсади, моҳияти, экотуристтик маршрутларни ташкил этиш ва олиб бориш бўйича бир қанча олимларнинг ишлари таҳлил қилинган. Шунингдек, муҳофаза этиладиган ҳудудларда экотуристтик маршрутларнинг аҳамияти очиқ берилган.

Калит сўзлар: экотуризм, сайёҳлик, саёҳатчи, маршрут, хавфсизлик, муҳофаза этиладиган ҳудудлар.

ECOTOURISM ROUTES AND THEIR IMPORTANCE

Shamuratova Nigora

Salieva Nodira

Annotation: The article deals with ecotourism routes, its purpose, essence, analysis of the work of several scientists on the organization and conduct of ecotourism routes. The importance of ecotourism routes in protected areas was also highlighted.

Keywords: ecotourism, tourism, traveler, route, security, protected areas.

Экотуристтик маршрутлар ёки экотурлар деярли ҳамма экотуристтик сайёҳликнинг асоси ҳисобланади.

Экотуристтик маршрут – сайёҳларнинг муайян йўналиш бўйича табиат билан боғлиқ бўлган дам олиши, спорт билан шуғулланиши, соғломлашиши, маърифий-маънавий (умумтарбиявий) ишларни амалга ошириш каби мақсадларни кўзлаган экологик йўсиндаги ҳаракат йўналишлари.

Экотуристтик маршрутлар:

- саёҳатчи ўз олдига аниқ бир мақсад (масалан, экотуризм билан шуғулланиш) ёки мақсадларни (экотуризм билан бир қаторда тарихий, диний туризм касби саёҳатни йўлга қўйиш) қўяди;

- туристик гуруҳ (юридик шахс) ёки якка тартибдаги турист (жисмоний шахс) учун мўлжалланади;
- экотизимлар доирасида табиий ёки антропоген ўзгарган экотуристтик объектлар аниқланади;
- объектлар бўйича маълумотлар тўпланади ва гидлар тайёрланади;
- мутахассислар томонидан махсус ишлаб чиқилган ҳаракатланиш йўлишлари белгиланади.

Экотуристтик маршрутларни ташкил этиш ва олиб боришда В.С.Волков ва К.Е.Шапакиналилар (1985) сайёҳларнинг имкониятларига қараб уларни: бир тўғри чизиқли, радиал, айланма турларга ажратишни маъқул кўради. Н.Тухлиев ва Т.Абдуллаевалар (2006) ҳар қандай туристик маршрутлар географик нуқталар бўйича аввалдан белгиланган муайян бир тартибда тавсифланган туристик экскурсия ёки саёҳат йўллари дир, деб билишади ⁷. Лекин экотуристтик объектларнинг барчасини географик нуқта деб қаралмайди, яъни унда географик жойлашув координаталари берилмайди.

А.Низомов ва бошқаларнинг (2014) фикрича экотуристтик ресурсларнинг беш гуруҳдан иборат тури шаклланган айнан геологик, геоморфологик, иқлимий, гидрологик, органик ресурслар бўлиб, ушбу ресурсларнинг барчаси экотуризмни ривожлантиришда ўзига хос аҳамият касб этган. Шунингдек, уларнинг баландлик минтақалари асосида географик тарқалиш хусусиятига ҳам эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланган.

С.Р.Ердавлетов (2016) туристик маршрутлар аввалдан белгиланган график, карта ёки чизмаларда кўрсатилган йўллар бўйича олиб боришни мақсадга мувофиқ деб билади. Буни инкор этиб бўлмайди, чунки аввалдан маршрут графиклари тузилган ва йўллари аниқланган экотуристтик маршрутларнинг самараси юқори.

А.Н.Нигматов (2019) экотуристтик маршрутларни режалаштириш ва уларни амалга оширишда хавфсизлик масалларини ҳал этиш, сайёҳларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлигини нуқтаи назрдан минимал таваккалчиликни таъминловчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб билади. Муаллиф ҳар бир экотуристтик объектнинг хавфсизлик ҳолатини 4 даражада (хавфсиз, хавфли, ўта хавфли, фожиали) баҳолаш, уларга таъсир этувчи омилларни ёки кучларни аниқлаш (табиий, табиий-антропоген, антропоген) сайёҳликни олиб боришнинг энг оптимал йўлларини ишлаб чиқишни тавсия этади.

Ш.Т.Якубжанова (2018) туристик маршрутларни ишлаб чиқиш аксарият ҳолларда беш босқичда амалга оширишни маъқул деб билади:

⁷ Нигматов А.Н. “Экотуризм ва унинг географик хусусиятлари” Т.: “Наврўз” нашриёти, 2019.-148 б.

✓ рекогносцировка ишларини амалга ошириш (жой ёки ҳудуднинг сайёҳлик имкониятини тадқиқ қилиш, туристик объектларни аниқлаш ва таснифлаш;

✓ маршрутлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни план ёки картага тушириш;

✓ ҳар бир маршрут қабул қилувчи, гид ва туристлар учун «эслатма», буклет ва рекламалар лойиҳасини яратиш;

✓ яратилган лойиҳаларни тегишли экспертизадан ўтказиш;

✓ лойиҳаларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни чоп этиш. Муаллиф агротуристтик маршрутларни таснифий белгиларига кўра қуйидаги турларга ажратади: соф агротуристтик маршрутлар; агро–экотуристтик маршрутлар; агротуризм билан бошқа туризм турларини қўшиб олиб боришга қаратилган маршрутлар.

Ш.Ғ.Шомуродова (2020) Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида олиб борган тадқиқотлари асосида ушбу ҳудудда экотуристтик маршрутларнинг кўплаб истиқболли маршрутлари мавжудлиги ҳамда уларни қизиқтириш ва туризм инфратузилмасини ривожлантиришини тақазо этишини, ҳудудни туристик жиҳатдан баҳолаш ва аниқ маршрутларни белгилашда табиий географик шароит ва қонуниятларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга молик эканлиги, шу билан бирга туристик маршрутларнинг қизиқарли бўлиши учун оддийгина кўринган туристик ресурсларни кўздан қочирмаслик мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

Экотуристтик маршрутлар тушунарли ва оммабоп бўлиши учун турнинг концепцияси (дунёқараш) тўлалигича ёритиб берилиши, саёҳатнинг ижобий томонларини намоён қилиши, сервис ва қулайликларнинг оптимал хусусиятларини белгилаб бериши керак. У, юқорида зикр этилганидек, турли мақсадда, турли ёшдаги ёки ижтимоий ҳолатдаги кишиларнинг имконият даражасига қараб амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Кўпгина ҳолатларда экотуристтик маршрутларни қизиқарли, кенг кўламли ва даромадли қилиш учун бошқа турдаги туристик маршрутлар билан қўшиб олиб борилади.

Туристтик жозибadorлигини ажратувчи асосий омиллардан бири – уларнинг экзотик табиати, ўзига хос ландшафтлари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг хилма-хиллиги ва ноёб табиат ёдгорликларидир.

Муҳофазага олинган табиий ҳудудлар экологик туризмнинг асосий бўғини ҳисобланади. Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларда туризм бир қарашда бир-бирига зид бўлган тушунчалардир. Лекин шунга қарамай ҳозирги кунда дунёдаги кўпгина давлатларнинг алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар (қўриқхоналар)ида ушбу фаолият тури билан шуғулланмоқдалар.

Қўриқхоналар умуммиллий бойлик ҳисобланади ва муҳим аҳамият касб этади. Буларга:

Тарбиявий (ватанпарварлик) аҳамияти. Қўриқхона объектлари халқни маданиятга, табиат гўзалликларига, табиат ёдгорликларига меҳр кўйишга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Табиий-музей аҳамияти. Ер юзида тегилмаган табиат гўшалари кам қолгани сайин, шунчалик хилма-хил табиатнинг музейлик қиймати ошиб боради. Кўпгина қўриқхоналар ўзларининг музейларида кўп йиллар давомида йиғилган экспонатлар ва экспозицияларнинг ажойиб коллекцияларига эга.

Илмий аҳамияти. Қўриқхона табиати – қидирув ишларида ресурс, илмий ва амалий тадқиқот ишларида дала лабораторияси. Қўриқхона табиати – мониторинг учун эталон. Илмий ходимлар табиат комплексларида кузатувлар олиб борадилар ҳамда камайиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот олами турларини сақлаб қолишда тавсиялар беришади. Бу эса биохилма-хилликнинг камайишини олдини олишга ёрдам беради.

Маданий аҳамияти. Инсон цивилизацияси узоқ тарихга эга. Шу билан бирга қўриқхоналар фақатгина ёввойи ёки кам ўзгартирилган табиат гўшаларини сақлаб қолмасдан, балки халқларнинг маданият изларини ҳам сақлаб қолган.

Таълимий аҳамияти. Бузилмаган табиат кўйнида катта таълимий имконият мавжуд бўлиб, унинг ёрдамида инсон ўзини ўраб турган атроф муҳит ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади. Қўриқхона ходимлари ушбу имкониятни тўлиқ амалга ошириш учун ҳаракат қиладилар. Қўриқхоналарнинг асосий вазифаларидан бири ҳам аҳолига экологик таълим беришдир.

Рекреацион-соғломлаштириш аҳамияти. Инсоннинг ёввойи табиат билан мулоқоти ижобий эмоцияларнинг асосий манбаи ҳисобланади ҳамда катта психотерапевтик таъсир кўрсатади. Кўпгина қўриқхоналар ўз ҳудудларида шифобахш манбаларга эга, улар аҳолининг саломатлигини тиклашда асқотиши мумкин.

Экологик (муҳит ташкил қилувчи) аҳамияти. Қўриқланма ҳудудларда сақланаётган ёввойи табиат инсонларнинг Ер юзасида яшаб қолиши учун зарур. Кенг омманинг фикрига биноан, фақатгина қўриқланма ҳудудлар экологик мувозанатни таъминлашга қодир.

Қўриқхоналарнинг асосий вазифаларидан бири, аҳоли билан экологик-маърифий-маънавий ишларни олиб боришдан иборат.

Барча экотурлар жараёнида табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ташвиқот ишлари мазмун ва моҳиятига кўра ишонарли, аниқ мақсадга

қаратилган, тизимлаштирилган тарзда олиб борилса юқори натижаларга эришилади⁸.

Биосфера қўриқхонаси ҳудудининг зонал тузилиши комплекс экологик турларни ташкиллаштиришга мос келади. Бундай турлар экологик туризмда пешқадам бўлган Жанубий Африка Республикаси ва Австралияда кенг оммалашган. Шундай турларга ажратилган вақтнинг бир қисми инсон таъсир этмаган табиат билан танишиш бўлса, қолган қисми этнографик бўлиб, ерли аҳоли турмуш тарзи, хўжалик фаолиятининг анъанавий шакллари, маданияти, урф-одатлари, анъаналари, расм-русумлари, анъанавий таомлари, маҳаллий архитектура ва бошқалар билан танишишдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Волков В.С., Шапакина К.Е. Туристские маршруты. Сост: -М.: Профиздат, 1985. -144 с.
2. Ердавлетов С.Р. География туризма: история, теория, методы, практика.- Алматы, 2000.- 336 с.
3. Нигматов А.Н. “Экотуризм ва унинг географик хусусиятлари” Т.: “Наврўз” нашриёти, 2019.-148 б.
4. Низомов А., Аманбаева З., Сафарова Н. Ўзбекистоннинг экотуристтик ресурслари ва йўналишилари // Монография Тошкент 2014.102 б.
5. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. – Т.:ЎзМЭ, 2006. - 55-60-б.
6. Шамуратова Н.Т. Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари // Г.ф.н. илм. дар. олиш учун ёз. диссертация. – Т.: 2011.-130 б.
7. Шомуродова Ш.Ф. Чимён-Чорвоқ рекреация зонасида туризмни ривожлантиришнинг табиий географик асослари // География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Ташкент: 2020. – 128 б.
8. Якубжанова Ш.Т. Агротуризмнинг табиий географик жиҳатлари. География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент 2018. 126 б.
9. Қўриқхоналар ва миллий боғлар // “Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари” туркумидан.- Т.: 2006.- 144 б.

⁸ Шамуратова Н.Т. Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари // Г.ф.н. илм. дар. олиш учун ёз. диссертация. – Т.: 2011.-130 б.